

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВА ГЎЗАЛ ЮЛДАШОВНА**

**РЕДУПЛИКАЦИЯ ВА УНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-ЛИСОНИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 81'362:81'373.61(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological Sciences**

<b>Рахимова Гўзал Юлдашовна</b> Редупликация ва унинг функционал-лисоний хусусиятлари.....	5
<b>Rakhimova Guzal Yuldashovna</b> Reduplication and its functional-linguistic peculiarities.....	31
<b>Рахимова Гўзал Юлдашовна</b> Редупликация и его функционально-лингвистические особенности.....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>Список опубликованных работ</b> <b>List of published works.....</b>	59

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВА ГЎЗАЛ ЮЛДАШОВНА**

**РЕДУПЛИКАЦИЯ ВА УНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-ЛИСОНИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil12287 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дўсимов Зариббой,  
филология фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Саъдуллаева Нилуфар Азимбоевна,  
филология фанлари доктори, доцент,

Эрметова Жамила Исмаиловна,  
филология фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:


Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи, PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «3» феврал соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (+99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: [fil-ik.urdu.uz](mailto:fil-ik.urdu.uz).)

Диссертация билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 660 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2023 йил «23» январ куни тарқатилди.  
(2023 йил «23» январ даги 10 рақамли реестр баённомаси).



  
О.К. Гайльева,  
Илмий даража берувчи Илмий Кенгаш  
раиси в.б, филол.ф.д., (DSc), доцент,

  
С.Сариев,  
Илмий даража берувчи Илмий Кенгаш  
кошиби, филол.ф.д., (DSc), доцент,

  
А.Ўрозбоев,  
Илмий даража берувчи Илмий Кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси в.б.,  
филол.ф.д. (DSc), профессор (в.б.).

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигидаги илмий тадқиқотлар тилни ҳар томонлама мукамал, тизимли, объектив ва изчил тадқиқ қилиш, тилнинг ҳар бир функционал хусусиятини таҳлил қилиш, ўрганиш ва моделлаштириш усулларини такомиллаштиришга хизмат қилган. Тилшуносликнинг анъанавий йўналишларида амалга оширилган тадқиқотлар, жумладан, редупликация масаласининг мазмун ва моҳияти ҳам муайян тил ёки бир неча тилларни фонетик, фонологик, морфологик, синтактик, семантик ва прагматик таҳлил қилиш мақсадига йўналтирилган. Тилнинг ўзига хос тизимини ташкил қилувчи товушлар, фонемалар, сўзлар, морфемалар, иборалар ва жумлалар ҳамда улар ёрдамида ифодаланувчи, маъно асосини ташкил қилувчи фикр, мулоҳаза, ҳис-туйғу ва муносабатлар шу тилнинг структур қатламида ўз аксини топади.

Дунё тилшунослигида редупликация масаласи инглиз, немис ва рус тилшуносларининг илмий изланишларида бирмунча кенг ёритилган. Маълумки, дунёнинг кўплаб тилларида такрорлар тил иерархиясининг бир ёки икки сатҳи билан чегараланмасдан, деярли барча сатҳларида кузатилади ва турли функцияларни бажаради. Ушбу ҳодисанинг типологик универсаллиги шундан иборатки, редупликация ёрдамида муайян категориал маъно ифодаланади. Бундан ташқари, дунёдаги кўплаб тил тизимларида редупликациянинг сўз ясаш усули сифатида мавжудлиги унинг типологик нуқтаи назардан универсаллигини яна бир бор асослайди, бу эса инглиз ва ўзбек тили каби турли тил оилаларига мансуб тилларда сўз ясалишининг редупликатив турини илмий ўрганиш учун асос бўлади. Жамият тараққиётида коммуникатив, кумулятив, номинатив, эмоционал-экспрессив, эмоционал-информатив каби кўплаб функцияларни бажарувчи тил айна вақтда инсон маданиятининг бебаҳо маҳсули ва тараққиёт имкониятидир. Илмий асосланган лингвистик хулосаларга кўра тил узоқ даврлар мобайнида табиий юзага келган ва ўз тизимини доимий такомиллаштириб, ўзгартириб, тараққий қилиб борадиган ижтимоий ҳодисадир. Тилнинг оғзаки ва ёзма ифодаси учун хизмат қилувчи усул ва воситалари унинг функционал вазифасини бажаришга, яъни нутқий фаолиятда инсон фикр ва мулоҳазаларни шакллантириш, ифодалаш ҳамда уларни тингловчига етказишга хизмат қилади.

Редупликация, редупликатив – такрорий сўзларнинг ўзига хосликлари ўзбек ва инглиз тиллари қиёси асносида илмий жиҳатдан монографик планда ўрганилмаган. Биз таққослаётган тилларда такрорий сўзларнинг у ёки бу жиҳатлари баъзи тадқиқотларда қисман ёритилган бўлиб, бу ишларда турли тузилишли тиллар материаллари асносида редупликатив тил бирликларини қиёсий-типологик жиҳатдан тизимли ўрганиш мақсад қилиб кўйилган эмас. Шу нуқтаи назардан тадқиқотимиз редупликациянинг деривацион функцияси, грамматик имкониятлари ва морфонологиясига

бағишланганлиги ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Редупликация – бу кўплаб тилларга хос бўлган ва барча тил сатҳларида кузатиладиган лисоний ҳодиса. Ҳозирги вақтда тилшуносликда такрорнинг аниқ таърифи мавжуд эмас, чунки ушбу ҳодисанинг чегаралари аниқланмаган, такрорларнинг ягона таснифи мавжуд эмас, яъни бу ҳодиса тил соҳиблари томонидан мулоқот жараёнида тез-тез қўлланилишига қарамай, қиёсий аспектда етарлича ўрганилмаган. Инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликатлар таҳлили икки тилли луғат тузишда материал бўлиб хизмат қила олади, чунки ўзбек ва инглиз тиллари лексикографиясида редупликациянинг икки тилли луғати йўқ, шунингдек, редупликатив сўзларнинг изоҳи ҳам мавжуд эмас. Айни ҳолатлар ишимизнинг аҳамиятини ва заруратини белгилай олади.

Шуларни ҳисобга олиб, тадқиқотимизда «редупликация» ва «такрор» каби иккита атамадан ҳам фойдаландик, чунки ушбу масалага бағишланган илмий тадқиқотларда редупликация ва такрорлар айни бир ҳодисанинг икки атамаси сифатида изоҳланган. Редупликация деганда сўз, бўғин ва асосларнинг такрорланиши ҳам тушунилади, яъни редупликация товуш, бўғин ва сўзларнинг икки ҳисса орттирилиши (такрорланиши)дир.

Такрорларнинг ягона таърифи йўқлиги сабаб, биз товуш таркиби, сўзнинг морфемик қисми ёки тўлиқ сўзни иккилантириш орқали юзага келадиган фонеморфологик ва лексик ҳодисаларни такрор деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек тилшунослигида ҳам редупликацияни илмий ва изчил назарий тадқиқ қилиш, тилимиздаги такрорларнинг инглиз тилидаги редупликатив сўзлар билан қиёсий таҳлил этиш муаммоларини ўрганиш муҳим масалалардан бири бўлиб, “ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш”<sup>1</sup> мамлакатимиздаги кундалик талаблардан бири саналади. Ушбу тадқиқот ишининг зарурати замонавий тилшуносликда ўрганилиши зарур долзарб мавзуга ва ижтимоий лингвистик-коммуникатив муносабатда муайян тил унсурларнинг такрор ёки редупликатив қўлланилишининг функционал хусусиятларини илмий асослашга бағишланганлиги, бу элементларнинг бошқа тил бирликларидан фарқловчи лисоний ҳодиса сифатида унинг асл моҳиятини очиб бериш ҳамда инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликациянинг фарқли жиҳатларини ёритишга йўналтирилгани билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли” мавзусида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Редупликация муаммосига оид дастлабки тадқиқотлар сирасида немис тилшуноси Август Фридрих Поттнинг тадқиқоти<sup>2</sup>, шунингдек, жаҳон тилшунослигида Э.Сепир, О.Есперсен, Л.Блумфилд, И.Р.Гальперин, И.В.Арнольд, Н.А.Шехтман, Ф.И.Рожанский, Л.К.Санкидзе, Е.В.Федяева, А.С.Алисултанов, И.Ю.Ковальчук, А.Зияевларнинг<sup>3</sup> илмий ишларини қайд этиш мумкин.

Инглиз тилидаги редупликациянинг умумий лингвистик тавсифи, редупликацияланган сўзларнинг фонетик ва морфологик хусусиятлари бир қадар таҳлилга тортилган. Бироқ инглиз тилидаги редупликациянинг кўплаб масалалари ҳали тўлиқ ўз ечимини топган эмас.

Туркий тиллардаги такрор сўзларининг айрим семантик ва структуравий жиҳатлари, такрорларнинг айрим шакллари ва турлари Д.М.Искандарова ва Л.Бекташнинг монографиясида қисман таҳлилга тортилган. Бу тадқиқот турк ва тожик тилларида редупликациянинг

---

<sup>2</sup> Pott A.F. German Linguistics in the Eighteenth and Nineteenth Centuries. – London: Routledge, 1995. – 4000 p.

<sup>3</sup> Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи. – М.-Л.: Государственное социально-экономическое издательство, 1934. – 243 с.; Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1958. – 326 с.; Блумфилд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. – 607 с.; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – Москва, 1993. – 656 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва, 1981. – 138 с.; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – Москва, 2017. – 376 с.; Рожанский Ф.И. Редупликация в Западной Африке // Основы африканского языкознания. Морфемика. Морфонология. – М., 2000. – С. 344-412.; Рожанский Ф.И. Семантическая типология немотивированной редупликации // Человек в социокультурном и политическом пространстве. Материалы научной конференции "Африка: общества, культуры, языки" (Санкт-Петербург, 16-18 мая 2000 г.). – М., 2001. – С.263-275.; Рожанский Ф.И. Редупликация в марийском языке // Лингвистический беспредел. Сборник статей к 70-летию А.И. Кузнецовой. – М.: МГУ, 2002. – С.75-95.; Санкидзе Л.К. Редупликация в картвельских языках: Автореф. дис. на соискание учен. степ. канд. филол. наук. Ин-т языкознания. – Тбилиси, 1969. – 22 с.; Федяева Е.В. Количественная интерпретация качества в языке: дис. док. филол. наук. – Тамбов, 2020. – 369 с.; Н.А.Шехтман. Семантическая редупликация и проблема тезауруса: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Л., 1977; Алисултанов А.С. Редупликация в лезгинских языках: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Махачкала, 2012. – 55 с.; Ковальчук И.Ю. Повтор и его функции в тексте: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пенза, 2004. – 24 с.; Зияев А. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришининг лингвокогнитив аспекти: Филол. фан. ном.дис. – Т., 2009. – 178 б.

структуравий, семантик турлари ва моделларини қиёсий ўрганишга бағишланган<sup>4</sup>.

Кейинчалик лисоний редупликацияни қиёсий ўрганишга бағишланган бошқа тадқиқотлар ҳам юзага келди. Жумладан, З.М.Эфендиеванинг «Лезгин ва инглиз тиллари сўзлашув лексикасида сўз яшаш усуллари унумдорлигининг қиёсий таҳлили» номли тадқиқоти яратилди. Унда қайд этилишича, редупликация янги лексик бирликни ҳосил қилиш усули сифатида қиёсланадиган тилларда унумдорлигига кўра лезгин тилида семантик қўшишдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Е.Ф.Арсентьева ва Р.Б.Валиулиналарнинг «Замонавий инглиз ва рус тилларида редупликация» номли тадқиқоти<sup>5</sup> да редупликация мустақил сўз ҳосил қилиш усули сифатида таърифланади ва турли шаклда намоён бўлиши, айниқса, сўзловчининг мавзуга субъектив муносабати, ҳиссиётларини ифодалашда сўз ижодкорлигида кенг татбиқ этилганлиги билан характерланиши қайд этилади.

М.М.Бўранованинг диссертация иши<sup>6</sup> бевосита инглиз ва ўзбек тилларида редупликацияни тузилиш жиҳатдан ўрганиш муаммоларига бағишланган. Ушбу тадқиқотчи таққосланган тилларда такрорларнинг структур ва семантик хусусиятлари билан боғлиқ муҳим масалаларни чуқур ўрганишга муваффақ бўлган.

Замонавий лингвистик тадқиқотлар номинатив birlikларни комплекс кўп ўлчовли таҳлил қилиш билан тавсифланади, бунда когнитив параметрлар коммуникатив параметрлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилди.

Н.К.Дмитриев, Н.А.Баскаков, Б.О.Орузбаева, С.Н.Муратов, А.Наджимов ва бошқа шу каби туркологлар туркий тиллардаги редупликацияни ўрганиш ишига катта ҳисса қўшдилар<sup>7</sup>.

Ўзбек тилшунослигида редупликатив сўзлар ҳосил бўлиши ва шаклланиши масалалари дастлаб А.Ғуломов ва А.Ҳожиёвлар томонидан ўрганилган<sup>8</sup>. Кейинчалик редупликатив сўзларнинг айрим жиҳатлари бир қанча ўзбек тилшунослари томонидан ҳам анча-мунча тадқиқ қилинган, жумладан, А.Шомақсудовнинг изланишлари такрорларнинг стилистикасини

<sup>4</sup> Искандарова Д.М., Бекташ Л. Редупликация в турецком и таджикском языках. – Deutschland: Parmagium Academic Publishing, 2016. – С.16.

<sup>5</sup> Арсентьева Е.Ф., Валиуллина Р.Б. Редупликация в современном английском и русском языках // Филология и культура. Philology and culture. – 2013. №1(31) [http://philology-and-culture.kpfu.ru/?q=system/files/02\\_3.pdf](http://philology-and-culture.kpfu.ru/?q=system/files/02_3.pdf)

<sup>6</sup> Буранова М.М. Структурно-семантические особенности редупликативных слов в английском и узбекском языках: Дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2020. – 145 с.

<sup>7</sup> Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. – М., 1962. – 606 с.; Баскаков Н.А. Историко-типологическая морфология тюркских языков. – М., 1979. – 274 с.; Орузбаева Б.О. Словообразование в киргизском языке. – Фрунзе, 1964. – 312 с.; Муратов С.Н. Устойчивые словосочетание в тюркских языках. – М.: Изд-во восточной литературы, 1961. – 330 с.; Наджимов А. Способы образования парно-повторных образований в каракалпакском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1971.

<sup>8</sup> Гулямов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка: Дис. док. филол. наук. – Ташкент, 1955. – 114 с.; Хожиев А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент, 1963. – 144 б.; Уринбаев З.Б. Лингвостилистическая природа редупликации в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1982.

ўрганишга; Ш.К.Асқарованинг тадқиқоти<sup>9</sup> инглиз ва ўзбек тилларида такрорларнинг лингвистик хусусиятларини ёритишга бағишланган. Такрор сўзларнинг алоҳида семантик ва структур хусусиятлари, шунингдек, редупликация шакллари, тўлиқ ва тўлиқсиз, тавтологик тақлид сўзлар ва такрорлар ўзбек адабий тили бўйича олий ўқув юртлари дарсликларида, шунингдек, ўзбек тилининг академик грамматикасида ва бир қанча алоҳида мақолаларда ҳам ёритилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қиёсий тилшуносликнинг долзарб муаммолари” йўналишида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликация ходисасининг лексик-семантик ҳамда функционал хусусиятларини аниқлаш, инглиз ва ўзбек тилларининг қиёси орқали редупликацион сўзларнинг деривацион, фонетик-грамматик функцияси ҳамда коммуникатив вазифаларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий инглиз ва ўзбек тилларида редупликациянинг лингвистик хусусиятлари, жумладан, редупликатив сўзларнинг пайдо бўлиши, грамматик форма яшаш жараёни, шунингдек, структур-семантик ўзига хосликларини ўрганиш;

редупликациянинг лексик-семантик хусусиятлари ва матндаги вазифаларини нутқий фаолият жараёни контекстида тавсифлаш;

таққосланаётган тилларнинг ҳар биридаги редупликатив сўзларнинг ички лисоний хусусиятларини таҳлил қилиш орқали сўз ясалиш элементларнинг бир-бирига боғланишидаги лингвистик ва прагматик омилларни қиёсий ёритиш;

турли семантик маъноларни ифодаловчи такрорий сўзларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликатив семантик бирликларнинг тиллараро мувофиқ ва фарқли моделларини аниқлаш;

таққосланаётган тилларда редупликатив бирликларнинг морфонологик тузилишини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида ўзбек ва инглиз тили изоҳли луғатларидан<sup>10</sup>, бадиий адабиётлардан олинган, шунингдек, кундалик мулоқот жараёнларида ишлатиладиган қиёсланаётган тилларга оид 1000 дан ортиқ редупликатив сўзлар асос қилиб олинган.

---

<sup>9</sup> Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983; Асқарова Ш.К. Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг лингвистик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2019. – 24 б.

<sup>10</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири. (2006-2008) <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/>; Большой англо-русский словарь / под ред. И.Р. Гальперина, Н.Н.Амосовой, Ю.Д.Апресьяна и др. Т. 2. – М.: Русский язык, 1987.

**Тадқиқот предметини** инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликатив сўзларнинг морфологик, фонетик, структур-семантик ва коммуникатив-функционал таҳлили ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқини амалга оширишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, чоғиштира, дистрибутив, дифференциал-семантик, лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жаҳон тилшунослигида умумэтироф этилган редупликация ҳодисаси тил гуруҳлари фаркланувчи икки тил қиёси аспектида илк бор тадқиқ қилиниб, қиёсланаётган тиллардаги редупликатив бирликларнинг сўз ва форма яшашдаги ўзига хосликлари далилланган;

ўзбек ва инглиз тили лексикасининг ички имкониятлари асосидаги ривожда редупликациянинг ўрни кенг кўламли эканлиги исботланган;

инглиз ва ўзбек тилидаги редупликатив сўзларнинг лексик категорияларга асосланган таснифи асосида редупликация ҳодисаси бу тилларнинг ҳозирги ривожланиш босқичида фаол лингвистик жараёнлардан бири эканлиги ишонарли асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликация ҳосил бўлиш тизими, такрорнинг структуравий-семантик табиати қиёсланган ҳолда редупликатив сўзларнинг турлари ҳамда моделлари жаҳон тилшунослигининг кейинги ютуқлари асосида батафсил ёритилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “экспрессив морфологик бирлик”лар – редупликатларнинг контрастли, қофияга асосланувчи, тескари шаклланган кўринишлари асосланган;

редупликатив сўзларнинг инглиз ва ўзбек тиллардаги фонетик-фонологик ва морфем тузилишлари таҳлил қилиниб, бинар кўринишдаги морфонологик таснифи очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жаҳон тилшунослигининг энг янги назарий концепциялари асосида таснифланган инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликацион бирликлар бўйича тўпланган материаллар, уларнинг тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалардан инглиз ва ўзбек филологияси факультетининг бакалаврият ҳамда магистратура таълим йўналишларида “Тилшуносликка кириш”, “Умумий тилшунослик”, “Лексикология”, “Морфонология”, “Стилистика”, “Деривация назарияси” каби фанлардан маъруза ва амалий машғулот дарсларида, шунингдек, шу фанларга оид дарслик, ўқув қўлланмалари тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилиши аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликатив сўзлар қиёси мавзуси юзасидан илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчиларнинг илмий ишларига қўшимча илмий-назарий асос бўла олиши далилланган;

мазкур ишда таҳлилга тортилган мисоллар “Инглизча-ўзбекча редупликатлар луғати”ни яратишда қўшимча материал ҳисобланиб, редупликациянинг бадий-услубий хусусиятларини кўрсатиб беришда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ кўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, таҳлилга тортилган инглиз ва ўзбек тилидаги лисоний материалларнинг асослилиги, замонавий антропоцентрик усуллардан ўринли фойдаланилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, замонавий ўзбек ва инглиз тилларидаги такрорларни шакл ва сўз ясалишининг самарали усулларида бири сифатида тадқиқ қилиш мазкур тиллардаги сўз ҳосил қилишнинг умумий назарияси ривожига қўшилган катта ҳиссадир, бу эса ўз навбатида, структуравий ва лексик-семантик типологияни илмий қарашлар билан бойитишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижа ва хулосалари функционал грамматика, назарий фонетика ва грамматика, стилистика, коммуникатив лингвистика, ҳозирги инглиз ва ўзбек адабий тилига оид дарслик ва қўлланмалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ташкил қилишда манба ҳамда материал вазифасини бажаради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Редупликация ва унинг функционал-лисоний хусусиятлари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

роман-герман тилларининг қариндош бўлмаган тилларга, хусусан, туркий тилларга таъсири ҳамда ўзбек ва инглиз тиллардаги редупликация ва унинг функционал лисоний хусусиятларига оид илмий хулосалардан FA-F1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 5 июндаги 89-03172-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қорақалпоқ тили алоқаларини редупликатив сўзлар мисолида далиллашга имкон берган;

редупликацияни белгиловчи лексик бирликлар ҳақидаги янги қарашларни такомиллаштириш, сўз тартиби масаласига тилшуносликнинг янги парадигмаларига асосланган ҳолда ёндашишнинг самарали натижалар беришини илмий исботлашда Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган А1-ХТ-0-92997-рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” мавзусидаги амалий ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида тадқиқот натижаларидан фойдаланилган. (Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 19 сентябрдаги 243-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳаларнинг илмий-назарий, илмий-амалий аҳамияти янада ортган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги 238-сонли қарори 3-бандига мувофиқ амалга оширилган Огаҳий “Асарлар” силсиласининг 3-, 8-, 9-жилдларини нашрга тайёрлаш ва чоп этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хоразм Маъмун академиясининг 2022 йил 4 апрелдаги 61/2-22-сонли маълумотномаси). Натижада асарлар матнидаги редупликатив сўзларнинг ўқувчиларга тушунарлилиги ошган, айрим тушунилиши қийин такрор сўзларга матн остида изоҳлар берилган;

тадқиқот хулосаларидан Хива “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси фондида сақланаётган экспонатлар илмий паспортини ёзишда, шунингдек, фондда сақланаётган қўлёзма манбалар мазмунини инглиз тилида баён қилишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонасининг 2022 йил 1 апрелдаги 119/1-сонли маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликацияни белгилловчи лексик бирликлар ҳақидаги янги қарашлар такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан, 2 та республика ва 4 та халқаро конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган, жумладан, 13 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 8 таси хорижий журналларда, 5 таси республика журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифадан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ҳамда вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Редупликация ва унинг деривацион функцияси” деб номланган бўлиб, уч бўлимдан ташкил топган. Биринчи бобнинг дастлабки бўлими “Редупликация ва сўз ясалиши” тарзида номланган. Бу бўлимда дунёнинг турли тилларида редупликациянинг сўз яшаш, грамматик, типологик, структуравий-семантик, турли услубий-прагматик хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар таҳлилга тортилган. Редупликация–бу дунёнинг барча тилларига хос бўлган ҳодиса. “Редупликация” (лотинча *reduplicatio* – икки барабар кўпайтириш) тушунчасига тилшуносликда бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан аниқ таъриф берилмаган. Баъзи талқинларда ушбу тушунча остида турли хил ҳодисалар доираси – ички сўздан тортиб интрасўз кўпайишларга қадар ҳодисалар англашилади. Демак, Ҳинд-Европа тиллари оиласига кирувчи баъзи тилларда редупликатив сўзлар маълум турларни ҳисобга олган ҳолда, “редупликацион”, “геминацион” (жеминацион) деб номланади; озарбайжон тилида эса улар янги сўзларнинг ясалиши ёки шакллар ифодаси сифатида қаралади.

Маълумки, бугунги кунда редупликацияга бағишланган тадқиқотлар сони ортиб бориши ва ўрганиш соҳасининг кенгайиб бориши уларга лексиканинг чекка қатлами сифатида ёндашиш мумкин эмаслигидан далолат беради. Аксинча, тинимсиз бойиб бораётган ушбу лексик қатлам янада кўпроқ эътибор ва ўрганишларни талаб этади.

Редупликация, одатда, сўзнинг асоси, ўзаги ва сўзнинг ўзи ёки унинг қисмини такрорлаш орқали воқеланадиган, натижада янги лексик бирлик юзага келадиган морфонологик жараён деб тушунилади. Редупликацияга бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, унинг тилдаги ўрни борасида тилшунослар яқдил эмас. Аксарият ишларда редупликациянинг морфонологик (формал) жиҳатларига эътибор қаратилган, структуравий ва мазмуний (семантик ва услубий) жиҳатлари изчил ўрганилмаган. Шунингдек, ушбу ҳодисанинг тузилиши ва функционал типологик тавсифига ҳам кам эътибор қаратилган.

Редупликация универсал лингвистик категориялардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳодисанинг кам ўрганилган энг долзарб жиҳатлари – типологик ва универсаллик жиҳатлари, хусусан, структуравий-типологик тавсифни, турлар таърифи ва турли тиллардаги моделларини ўрганиш, шунингдек, келиб чиқишидан қатъий назар, турли тил тизимларида универсалликни белгилаш ҳисобланади. Редупликация ёрдамида ҳосил бўлган сўзларнинг тарқалиш даражаси ҳам турлича бўлиши мумкин. Баъзи тилларда редупликация кучли ривожланган, бошқаларида эса у камроқ тарқалган.

Редупликация ўзбек ва инглиз тили тизимида муҳим роль ўйнайди. У сўз яшаш ва шакл ҳосил қилишнинг жуда самарали усули ҳисобланади. Инглиз ва ўзбек тилларида редупликатив сўзларни ҳосил қилишнинг асосий усуллари, редупликатив бирликларнинг семантик умумийлиги аксарият ҳолларда бир хил. Далилий материалларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, кўшимча кўшиш, сўзларни кўшиш ва конверсия орқали ясалган от, сифат,

равиш, феълларни редупликациялаш ёрдамида сўз ҳосил қилиш билан ўзбек ва инглиз тилларининг лексик корпуси сезиларли даражада бойийди. Айниқса, редупликатив сўзларни ҳосил қилишда энг кўп қўлланиладиган шакллардан бири тақлид сўзлар ёки имитативлар ҳисобланади, улар кўшимча кўшиш, сўз кўшиш ва конверсия усуллари (морфологик-синтактик) орқали ҳосил бўлиб, катта сўз яшаш имкониятларига эга.

*Редупликация* – бу бошланғич бўғинни ёки бутун илдизни икки баравар оширишдан иборат бўлган фонеморфологик ҳодиса ёки худди шу лингвистик усулнинг намоён бўлишидир. Ихтиёрий равишда ифода текислиги идентификаторига эга бўлган лингвистик аломатлар мазмунини икки баравар оширишда кўриш мумкин. Бунда иккала редупликантнинг қисмини тўлиқ ёки қисман такрорлаш билан боғлиқ кўпайиши назарда тутилади. Редупликациянинг функционал томони ҳақидаги масалалар, унинг грамматик ёки бошқа ҳолати, редупликациянинг сўз такрорланиш усуллари тизимидаги ўрни, ушбу ҳолатнинг аффиксация ва сўз таркиби билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги мунозаралар хали ҳам муаммо бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда Н.Ф.Алиеванинг йигирма йил олдин билдирган ушбу фикрлари ўз аҳамиятини йўқотмаган: “Табиийлик, ўз-ўзини исботлаш, сўз ва шакл ҳосил қилиш услубининг ибтидоийлиги, эҳтимол, тилшуносликда икки баравар кўпайтириш одатий ҳолдир. Унинг таркибий, функционал ва семантик имкониятлари фақат умумий маънода тавсифланган. Одатда, тилшунослар назарий тадқиқотлар учун буни муаммо сифатида қабул қилмайдилар. Кўриниб турибдики, редупликацияга бағишланган умумий лингвистик характерга эга бўлган битта махсус асар топа олмаганимиз бежиз эмас эди: ушбу масала ҳақида маълумотлар умумий ишларда атиги икки-уч варақли ахборотларда берилган”<sup>11</sup>.

Ҳозирга қадар редупликация муаммолари (интрасўзни икки баравар ошириш усули деб тушунилади) Осиёнинг жануби-шарқий минтақаси тиллари материалларида озми-кўпми муҳокама қилинган. Туркий тиллардаги редупликацияни ўрганиш ишига эса Н.К.Дмитриев, Н.А.Баскаков, Б.О.Орузбаева, С.Н.Муратов, А.Наджимов ва бошқа шу каби туркологлар катта ҳисса қўшдилар<sup>12</sup>.

Ўзбек тилшунослигида редупликатив сўзларнинг ҳосил бўлиш ва шаклланиш масалалари А.Ғуломов ва А.Ҳожиевлар томонидан қисман ўрганилган<sup>13</sup> бўлса, инглиз тили материалларида редупликатив сўзлар И.В.Арнольд, М.М.Буранова ва З.Б. Ўринбаевлар томонидан бир қадар кўриб чиқилган<sup>14</sup>.

<sup>11</sup> Алиева Н.Ф. Слова-повторы и их проблематика в языках Юго-Восточной Азии // Языки Юго-восточной Азии: Проблемы повторов. – М., 1980. – С.3.

<sup>12</sup> Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. – М., 1962; Баскаков Н.А. Историко-типологическая морфология тюркских языков. – М., 1979. – 274 с.; Орузбаева Б.О. Словообразование в киргизском языке. – Фрунзе, 1964. – 312 с.; Муратов С.Н. Устойчивые словосочетание в тюркских языках. – М.: Изд-во восточной литературы, 1961. – 330 с.; Наджимов А. Способы образования парно-повторных образований в каракалпакском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Нукус, 1971.

<sup>13</sup> Гулямов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка: Дис. док. филол. наук. – Ташкент, 1955. – 114 с.; Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Ташкент, 1963. – 144 б.

<sup>14</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – Москва, 2017. – 376 с.; Уринбаев З.Б.

Шу билан бирга, кўпчилик ёки эҳтимол барча тилларда сўзларни яратиш усули сифатида редупликациянинг универсаллиги тан олинган ҳақиқат сифатида эътироф қилинади. Редупликация турли хил тизимдаги тилларга хосдир<sup>15</sup>. Худди шу фикрни Э.Сепир шундай ифодалайди: “Кенг тарқалган редупликация фактидан кўра табиий нарса йўқ...”<sup>16</sup>. Редупликациянинг алоҳида универсал белгилари ҳам таъкидланган. Масалан, “... таккослаганда, тез-тез редупликация интензивлик, кичрайтириш ва бошқаларни ифода этувчи турли хил лексик маъно воситаси сифатида ифода этилади ...”<sup>17</sup>.

Замонавий инглиз тилида мустақил лексемаларга асосланган сўз ясалиш моделлари ҳаракати натижасида вужудга келган лексемалар алоҳида ўрин эгаллайди, жумладан:

а) мос келадиган бирликлар (ёнма-ён жойлаштириш) (*sunglasses, windscreen*);

б) редупликациялар (*spit-sport, man-man, rumpty-tumpty*);

в) телескопия сўзлар (*prissy, vibronic, racon, pomato*);

д) қисқартмалар, улар тилда қисқартмалар (*WHO = World Health Organization, OPEC = Organization of Petroleum Exporting Countries*), инициализмлар (*PO = Post Office*) ва ҳақиқий қисқартмалар (*Ph.D = Doctor of Philosophy, M.Ed = Master of Education*).

Бобнинг иккинчи бўлими “**Янги сўз ясаш усуллари ва воситалари**” деб номланади ва унда янги сўз ясаш усули саналган редупликация (мураккаб сўзлар) моҳияти таҳлилга тортилган. Маълумки, инглизшуносликда редупликация анъанавий равишда сўз таркиби доирасида кўриб чиқилади. Мураккаб сўз, умуман олганда, олинган сўзнинг умумий хусусиятларига эга бўлиб, у иккиламчи, таркибий ва семантик мотивациялардан иборат. Тилшуносликда мураккаб сўз деганда, семантиканинг яхлитлиги билан ажралиб турадиган таркибий ва унинг семантик бирлиги бўлган лексик бир бутунлик тушунилади. У иккита, баъзан учта мавжуд бўлган тўлиқ қимматли пойдевордан ҳосил бўлади ва қоида тариқасида, янги шаклланган бутуннинг маъноси унинг қисмлари йиғиндисига ўхшамайди<sup>18</sup>. Мураккаб сўзлар, барча ҳосилалар сингари, мотивация билан ажралиб туради – “компонентларнинг ҳар бирининг лексик маъносига ва уларнинг мантикий-субъект муносабатларига муурожаат қилиш орқали унинг денотатив маъносини очиб беришга имкон берадиган таркибий қисмдир”<sup>19</sup>.

Мураккаб сўз доирасида тўлақонли негизлар маълум семантик муносабатларга киришади, иккита маънонинг бирлашиши ҳосил бўлади,

---

Лингвостилистическая природа редупликации в современном английском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Т., 1982. – 24 с.

<sup>15</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. // Под ред. В.Н. Ярцевой. – М., 1990. – С. 102.

<sup>16</sup> Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М., 1993. – С.82. – 656 с.

<sup>17</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. // Под ред. В.Н. Ярцевой. – М., 1990. – С.8.

<sup>18</sup> Амосова Н.Н. Этимологические основы словарного состава современного английского языка. – М.: Изд-во лит-ры на иностр. яз., 1956. – С.68.

<sup>19</sup> Мешков О.Д. Словообразование в современном английском языке. – М., 1985.

иккита категорик маъноларнинг ўзаро таъсири мавжуд бўлади. Композит умумий маъносининг йиғиндиси ҳар хил йўллар билан содир бўлади. Лингвистик адабиётларга мурожаат қилиш шуни кўрсатадики, мураккаб сўзнинг умумий қабул қилинган таърифи йўқ, мураккаб сўз тушунчасини белгилашда тадқиқотчилар турли хил мезонларга риоя қилишади: бири соф фонетик, баъзилари график, бошқалари қатъий семантик, бошқалари эса фақат функционалдир.

**Фонетик мезон.** Бирлаштирувчи стресс сўзнинг таркибий яхлитлигини семантик, морфологик ва синтактик бирлик сифатида кучайтиради, лекин сўзни (шу жумладан мураккаб) иборадан ажратиб турадиган етарли белги эмас. Таркибий шаклланиш, агар у сўз сифатида қабул қилинган бўлса (битта бирлаштирувчи стрессга эга бўлса), лекин сўз бирикмасининг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларига эга бўлмаса, сўз деб ҳисобланмайди, унинг ўрнига иборалар қўлланилади: *heavy weight* (оғир вазнли боксёр), *dotted line* (хошия), *first air* (биринчи ёрдам) каби.

Структуравий шаклланиш, агар у ибора сифатида қабул қилинган бўлса, лекин сўзнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларига эга бўлса, ибора деб ҳисобланмайди. Масалан: *self respect*, *nineteen*, *self eirdant*, *week ender*.

**График мезон.** Инглиз тилидаги мураккаб сўзларнинг график тақдимоти турличадир. Қўшма сўзлар биргаликда қўшиб ёки алоҳида ёзилади: *to blacklist*, *to flightest*, *week ender*, *last minuter* каби. Одатда, дефислар асосий тузилиши билан ҳосил қилинган сифатларни ва гетерогенлик даражаси билан ажралиб турадиган мураккаб ҳосила сифатларини ёзишда ишлатилади: *World-famous*, *Dark-brown* каби. Бундан ташқари ҳар хил турдаги мураккаб сўзлар ҳам дефис билан ёзилади: *never-do-well fellow*, *a stay-at-home*, *a stick-in-the-mud* каби.

Фонетик (расмий) ва семантик мезонларга, одатда, функционал жиҳатдан ёндашганда кўпроқ эътибор берилади. Кўпгина тилшунослар шаклнинг бирлигини ва унинг маъносини мураккаб сўзнинг тегишли хусусиятлари сифатида илгари сурадилар. Мураккаб сўзнинг функционал ва семантик мезонлари хусусида фикр билдирган тилшунослар ушбу масалани битта концепцияни (мураккаб сўзнинг семантик бирлиги) ифодалаш учун мўлжалланган шаклланиш қисмларини бирлаштиришда ёки ўрганилаётган комплексларни (синтагмалар) камайтириш имкониятида кўришади.

Бўлим якунида янги сўз саналувчи мураккаб сўзларга Г.Марчанд, Н.Н.Амосова, И.В.Арнольд, О.С.Ахманова, П.М.Карашук, Е.С.Кубряковаларнинг берган таърифлари ҳам изоҳланган.

Мазкур бобнинг учинчи бўлими “**Редупликатив сўзларнинг лексик хусусиятлари**” деб аталиб, редупликатив сўзларнинг энг кенг тарқалган тузилиш турлари ва уларнинг лексик ўзига хосликлари таҳлил қилинган. Маълумки, барча тилларда (ёки аксарият тилларда) редупликация тўлиқ бўлиши мумкин (редупликантнинг тўлиқ шакли: слог, морфема, негиз ёки

сўз), тўлиқ эмас (редупликаторда редупликантнинг қисман такрорланиши) ва дивергент (редупликантнинг товуш таркибида ўзгариши билан) бўлиши мумкин: тўлиқ редупликация: *mal. labu - labu* “лойдан идиш”, *burgat. дэмы-дэмы* “бехуда”, русча. *белый-белый*; тўлиқ бўлмаган редупликация: мад. *ta-leta* “бештадан”, маг. *и-изи* “кичик-кичик”, русск. *улюлю*; дивергент редупликация: индонез. *colak-culing* “тартибсиз”, корач. *gab-gara* “энг қора, энг қора”, русча. *тяп-ляп, такой-сякой*. Барча тилларда редупликация сўзнинг баъзи таркибий қўшимчаларни қўллаш билан бирга бўлиши ҳам мумкин (мураккаб редупликация).

Редупликациянинг семантик функциялари хилма-хил: грамматик маъноларни ифодалашдан тортиб, ўзгармас ёки ўзгарувчан лексик семантикага қадар. Бироқ бундай сўзлар орқали етказилган асосий маъноларда аксарият тилларда сезиларли ўхшашликлар мавжуд. Ушбу умумий ғоя (ўзгармас маъно) турли хил лексик-категорик ҳолатларда тегишли модификацияларда амалга оширилади: “предмет маънолари учун – кўплик, хилма-хиллик ва ўхшашлик сифатида; фазилатлар сифати учун – сифат даражаси сифатида, жараёнлар учун – давомийлиги ва такрорланиши сифатида”<sup>20</sup>. Шундай қилиб, дунё тилларида редупликация тарқалишининг асосий соҳаси “асосий” лексик маънони сақлаб, асл бирлик маъноларининг турли хил модификациялари доирасида ўрганишдир”<sup>21</sup>.

Редупликатив сўзлар инглиз тилида турли-туман маъноларни ифодалаш мумкин:

1. Модда, материал, озиқ-овқат маҳсулоти: *hot-pot* (картошкали козурилган гўшт), *rock-cork* (минерал тош тури), *hokey-pokey* (музқаймоқ), *flip-flap* (чай учун печенье) каби.

2. Предмет: *band-stand* (эстрада оркестри), *curlie-wurlie* (чиройли безак), *knick-knack* (майда-чуйда безак) каби.

3. Ҳайвонларнинг камситувчи-эркаловчи номи: *piggy-wiggy* (чўчқача), *rum-tum* (енгил отча), *bawtie-bawty* (катта ит) каби.

4. Нутқ характеристикаси: *diddle-daddle* (беъмани гап, арзимас нарса), *hubble-bubble* (ноаниқ суҳбат), *wish-wash* (сафсата) каби.

5. Психологик ҳолат ва активлик: *shilly-shally* (қатъиятсизлик), *hocus-rocus* (фокус, бармоқлар маҳорати), *boogie-woogie* каби.

6. Социал алоқалар: *fuddy-dubby* (норози, танқидчи; эскирган одам, консерватор), *kickie-wickie* (кичик хотин), *riff-raff* (жамиятга ёт кимсалар) каби.

7. Ўсимликлар ва табиат ҳодисалари: *wiily-willy* (тропик шторм, ураган), *divi-divi* (ботаникга оид), *aye-aye* (зоол. ай- ай (*daubentonia madagasca riensis*)) каби.

8. Техник терминлар: *walkie-talkie* (портатив радиоушлагич), *tip-top* (энг юқори нукта), *flip-flop* (мультивибратор) каби.

<sup>20</sup> Languages of Southeast Asia: problems of repetitions / [head. ed. A. K. Ogloblin]. – M.: Наука, 1980. – P.174.

<sup>21</sup> Солнцева Н.В. Проблемы типологии изолирующих языков. – М., 1985. – С.79.

9. Календар кунлари: *pay-day* (маош оладиган кун), *may-day* (Биринчи май байрами) каби.

10. Абстракт тушунчалар: *hanky-panky* (алдов), *no-go* (муваффақият-сизлик) каби.

11. Товуш номинациялар (имитация): *rat-tat*, *jingle-jangle*, *ding-dong*, *bow-wow* каби ва ҳақозо.

И.В.Арнольднинг таъкидлашича, инглиз тилида шундай сўзлар мавжудки, улар тузилиши нуқтаи назаридан мураккаб сўзларга тааллуқли бўлиши мумкин, аммо бошқа мезонларга кўра улар қайд этилган сўзларга тўлиқ мос келмайди: 1) таркибий қисмлардан бири эркин морфемага тааллуқли, иккинчи компоненти эса вариациядир (*kit-cat* – болаларнинг чизиқ номли ўйини); 2) иккала компоненти ҳам псевдо-морфема, фонетик эффект учун яратилган мантикий бўлмаган комбинациялар: (*bibble-babble* – қуруқ гап); 3) иккала компоненти бўш морфемалар: (*fifty-fifty* – элликка эллик).

Уларнинг тузилиши товуш-символикага асосланган ва айнан шу жиҳат уларнинг ишлатилишида муҳим аҳамиятга эга. Улар, асосан, стилистик нуқтаи назардан белгиланган сўзларга (оғзаки, жаргон, кичрайтирувчи сўзлар) тегишли. Ушбу сўзлар экспрессив ва ҳиссий жиҳатдан белгилагандир, бу эса уларнинг имплицит шакли (редупликация, рифма) томонидан билинади<sup>22</sup>.

Демак, редупликатив сўзлар 3 та кичик гуруҳни ташкил этади: 1) асл редупликатив сўзлар; 2) аблаут бўйича ўзгарувчан унлига эга қўшма сўзлар; 3) рифмаланган бирикмалар.

Демак, редупликатив сўзлар стилистик маънога эга бўлган ўзига хос мураккаб сўзлардир. Такрорий сўзлар қиёси натижалари герман тиллари ва туркий тиллар морфологиясини, айниқса морфологик ва семантик типология жиҳатдан қиёсий-типологик ўрганишга ҳам асос бўлади.

Тадқиқотнинг **“Редупликациянинг грамматик маъно ифодалаш имкониятлари”** деб номланган иккинчи боби иккита бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим **“Редупликатив бирликлар ва шакл ясалиши”**га бағишланган бўлиб, унда редупликатларнинг матнларни таҳрир ва таҳлил қилиш дастурининг морфологик модули ва унинг алгоритмини яратишдаги аҳамиятига тўхталинган. Маълумки, автоматик таҳрир ва таҳлил дастурининг лингвистик таъминотини яратиш лингвистик меъёрлар ва алгоритмга эга қоидаларнинг ишлаб чиқилиши, лексикографик манбаларнинг таъминотга киритилиши, сўзшакллар ва сўзларнинг ўзаро боғланиш моделлари тузилиши билан белгиланади. Лингвистик процессорни яратишда лингвистик модулнинг ўрни ва аҳамияти ўта муҳим. Компьютер лингвистикасида модуль термини дастурий таъминотнинг муайян лингвистик жараёнини қамраган мустақил таркибий қисми сифатида қўлланилади. Шу маънода ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг морфологик модулида сўзшакллар анализи, жумладан,

<sup>22</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – Москва, 1986. – С.129.

такрорий сўзлар (сўзшаклдан лексемага қадар таҳлил) ва синтези (лексеманинг грамматик шаклланиши таҳлили жараёни) амалга оширилади.

Редупликация матн маъно тузилишидаги диққатни жалб этувчи, асосий фикрни ишончли етказишга ёрдам берувчи воситалардан биридир. Редупликатлар эмоционалликка, экспрессивликка бойлиги билан ажралиб туради, шунингдек, гаплар орасидаги муҳим боғловчи сифатида хизмат қилади. Гапнинг параллел тузилиши – бир хил таркибга эга гаплар кетма-кетлиги риторик кучайтиришда, кўпинча шеърини асарларда қўлланилади. Синтактик стилистика томондан редупликацияни таҳлил қилиш бирмунча чегараланган.

Тўлиқ лексик-синтактик редупликация ўзида синтактик параллеллик ва лексик такрорни акс эттиради. Гаплардаги бирликларни умумий ғоя бирлаштириб, семантик жиҳатдан унинг таркибида бир-бирига яқин бўлган сўзлар қатнашади. Улардаги параллеллик матнга аниқлик ва жўшқинлик бағишлайди. Масалан:

*Those evening bells! Those evening bells!* (T. Moore)

Тўлиқ синтактик параллеллик лексик редупликация билан қуйидаги гап бўлакларида бирлаша олади:

1. Предикат такрори. Масалан: *What has my life been? Fag and grind, fag and grind. Turn the heel, turn the wheel.* (Ch. Dickens).

2. Эга такрори. Унда эга бир, аммо кесимнинг турличалиги кузатилади.

Масалан: *You have never turned the wrong to right, you have been a coward in the fight* (Ch. Mackay).

3. Феъл такрорида эга ўзгарувчан бўлади. Масалан: *I love you and you love me; They were all three from Milan and one of them was to be a lawyer, and one of was to be a painter.*

Юқоридаги мисолларга хос характер гапнинг иккинчи даражали бўлакларида ҳам хосдир. Редупликатлар тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол вазифасида келган бўлақларда такрорланади.

Нотўлиқ лексик-семантик редупликация сўз ёки гапларнинг бирор қисмининг такроридир. Параллелликни тузилиши ва синтактик хоссаларига кўра бир қанча турларга бўлиш мумкин.

Редупликациянинг қўлланилиши назмий асарларда кўпроқ кузатилиши мумкин. Бадиий адабиётда такрор кўпроқ миллий халқ кўшиқларида ишлатилади. Маълумки, халқ оғзаки ижоди редупликациядан жуда кенг кўламда фойдаланади, чунки у шеърини секинлаштиришга, кўшиқ табиатини беришга, ритм ҳосил қилишга ёрдам беради:

Ўзбек тилида: *Суст хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.*

Инглиз тилида:

*My hearts in the highlands, my heart is not here,  
My hearts in the Highlands, a chasing the deer.  
Chasing the wild deer and following the roe,  
My hearts in the highlands, wherever I go.*

Бу бўлимда ўзбек ва инглиз тилларидаги редуликатларнинг грамматик гуруҳларга ажратилиши – сўз туркумлари таснифи ҳам таҳлил қилинган:

От билан ифодаланган редуликативлар – такрорлар. Таҳлил қилинган материаллар шуни кўрсатадики, такрорларнинг аксарият қисми дунёнинг барча тилларида такрорларни ҳосил қила оладиган асосий исмий сўз туркуми ва гапларда турли семантик маънога эга бўлган от билан ифодаланади. Улар орасида умумлаштириш, кўплик ва жамлаш маъноси; комиллик, етуклик, балоғат ёши, ҳайрат маънолари; бепарволик, нарса, ходиса аҳамиятини пасайтириш ёки шахсни камситиш маънолари етакчилик қилади.

Ўзбек тилида айрим редуликат отлар янги маъно ифодалаб, ясама от ва ясама равишларни юзага келтиришга ҳам хизмат қилади. Жумладан, “*хола*” шахс оти такрор қўлланиш натижасида (“*хола-хола*”) ясама фаолият-жараён отини ҳосил қилади; “*эс*”, “*гул*”, “*томчи*”, “*шода*”, “*қатра*”, “*кўча*”, “*уюм*”, “*олам*” каби отлар редуликат қўлланиб, равишга кўчади, яъни ясама равиш саналади.

Айрим такрорий отлар – редуликат от қисмлари орасида кўпинча “-ма” қисми орттирилиб ҳам қўлланади, бундай ҳолатда ҳам от редуликация орқали равишга кўчади: *кўчама-кўча*, *юзма-юз*, *уйма-уй*, *хонама-хона*, *қаторма-қатор* каби. Баъзан такрорий от қисмлари орасида “ба-” қисми ҳам келиши мумкин, бу ҳолатда ҳам мазкур отлар сўз туркумини ўзгартиради, яъни сифат ёки равишга кўчади: *ранг-баранг*, *рўбарў*, *дарбадар* кабилар.

Такрорий отларнинг айримлари айнан такрорлаш, катта қисмининг иккинчи қисми биринчи қисмининг товуш ўзгариши билан такрорлаш натижасида ҳосил қилинади: *хола-хола*, *қўчқор-қўчқор*; *нон-нон*, *чай-пой*, *бола-сола*, *овқат-повқат*, *мажлис-памжлис*, *туз-пуз*, *сок-пок*, *ош-пош* каби.

Инглиз тилида ҳам ўзбек тилидаги каби редуликатив сўзларнинг энг катта гуруҳи от билан ифодаланади. Бу мулоқот жараёнида одамлар айнан шу сўз туркумидан кўпроқ фойдаланиши билан изоҳланади, зеро, улар ҳаракат объектига қаратилади (*fuddy-duddy* – консерватор, *bumper-jumper* – олдинда кетаётган машина ортидан жуда тез келаётган ҳайдовчи, *killer-diller* – хотинбоз, Дон Жуан, *pamby-pamby* – заиф); атрофимиздаги буюмларга (*night-light* – тунчирок, *higgledy-piggledy* – ўта тартибсизлик, *knick-knack* – майда-чуйда, *flip-flop* – тап-тап; атрофимиздаги олам (*gee-gee* – от, *quack-quack* – ўрдак).

Такрорий сўзлар билан ифодаланган сифат редуликатлар. Такрорлар билан ифодаланган сифатлар кўпликни ёки аксинча, кам миқдор ёки буюм, ходиса, воқеликнинг қийматини акс эттириши мумкин. Масалан, *янги-янги* (кучайтириш), *майда-майда* (кучайтириш ва таъкид), *қизиқ-қизиқ* (хар хиллик, кўплик) каби редуликативлар буюм, ходиса ва воқеликнинг қийматини ифодалаш учун фойдаланилади.

Кўплик, жамлаш ва умумлаштириш маъносини ифодаловчи сифатларнинг биринчи қисми лексик жихатдан бўш бўлган тўлиқсиз

редупликатив конструкция билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда сифатнинг орттирма даражаси фонетик усулда ҳосил қилинади: *дум-думалоқ, сан-сарик, қип-қизил, қоп-қора, бус-бутун* ва ҳоказо, улар белгининг намоён бўлиши ва буюм ҳолатининг даражасини ифодалайди. Ўзбек тилида сифатнинг орттирма даражаси товушни чўзиш усулида ҳам ҳосил қилинадики, бу усулни ҳам қайсидир кўринишда редупликат сифатида изоҳлаш мумкин: *чиро-о-йли, ка-а-тта, маз-з-а* каби.

Инглиз тилида от редупликативлардан кейин энг маҳсулдор гуруҳ сифат ҳисобланади. Улар ҳолатни ифодалашни мумкин (*hoity-toity* – таъби нозик, сержаҳл; *wishy-washy* – маъносиз); аниқ объектни ифодалашга ёрдам беради (*wiggle-waggle* – беқарор, *zero-zero* – жуда паст булутлилик ва деярли нол кўринишда); воқелик белгисини ифодалайди (*hipper-dipper* – мухташам, *tete-a-tete* – ёлғиз).

Редупликатив сўзлар билан ифодаланган сонлар кўп миқдордаги буюмларни ва уларнинг санокдаги аниқ тартибини ифодалашда қўлланилади. Ўзбек тилида бу ҳолатда икки хил вазият юзага келади: 1) санок ёки дона сон тақсим сонга ўтади: *бир-бир, икки-икки, иккита-иккита, юзта-юзта* кабилар; 2) сон такрори натижасида сўз туркумида ўзгариш рўй беради, яъни сон равишга кўчади: *бир-бир суҳбатлашмоқ, битта-битта санамоқ, юзта-юзта олмоқ* кабилар. Улар асосан кўплик, бўлиниш, бирлик, ҳаракатнинг детал тавсифи ва бошқа семантик-грамматик маъноларни ифодалайди.

Миқдорий такрор сонлар ҳам ажратиб кўрсатиш, кўплик, кўпайтириш, кўшиш, мўл-кўлчилик ва ортикчалик, ҳиссий бўёқдорлик, ҳайратланиш ва ҳоказоларни ифодалашда қўлланилади: *миллион-миллион, минг-мингта* ва ҳ.к.

Инглиз тилида сон билан ифодаланган редупликатив сўзлар, асосан, кўплик, бўлиниш, миқдорни англатади (*more and more* – янада кўпроқ, *one by one* – бирин-кетин). *Hundred, thousand* ва *million* рақамлари билан ифодаланган такрор сўзлар от туркумига ўтади ва юзлаб, минглаб ёки миллионлаб каби ноаниқ миқдорни ифодалашда қўлланилса, охирига кўшимча қўшилади.

Олмош билан ифодаланган редупликация. Таъкидлаш лозимки, олмошлар редупликацияси ўзбек ва инглиз тилларида бошқа тилларга қараганда кенг тарқалмаган. Ўзбек тилида олмош редупликация ҳодисаси кўрсатиш, ўзлик, белгилаш ва айниқса, сўроқ олмошларига хос. Масалан, *шу-шу, ўша-ўша, ўз-ўзи, ўз-ўзини, ҳамма-ҳаммаси, нима-нима, ким-кимлар, не-не* кабилар шулар жумласидандир. Бундай қўлланишларнинг айримларида бошқа туркумга кўчиш, айримларида семантик кўплик ўз ифодасини топади: “*шу-шу бизникига келмай кетди*” (равишга кўчиш) ёки “*бозордан нима-нима олдинг, зиёфатда ким-ким қатнашди*” (семантик кўплик) каби. Ўзбек тилида ўзлик олмоши редупликат қўлланганда, тўғрироғи, -ча аффикси ёки -дан чиқиш келишиги билан қўлланганда ҳам равишга (ундан модал сўз туркумига) кўчиши кузатилади.

Инглиз тилида “**any**” ноаниқ олмоши гапда редупликация шаклида қўлланилади ва ноаниқ миқдорни, шунингдек, аниқ ифодаланган инкорни акс эттиради: *in any shop in any street in, any town in any country in the world.*

Такрорлар билан ифодаланадиган феъллар ва феъл шакллари. Ўзбек тилида такрор феъл ва феълнинг бошқа вазифа шакллари тўплаган материалларимизга кўра лексик-грамматик ҳодиса сифатида жуда кенг тарқалган. Шунинг учун редупликатив феълларнинг маъноси турлича бўлиши мумкин. Жумладан, “*демоқ*” феъли такрор қўлланганида деривация тизимига алоқадорлик касб этади. Бу феъл ўтган замон учинчи шахс бирлик шаклида такрорланиб, отга кўчади (*деди* – феъл, *деди-деди* – от (ғийбат)):

Айрим ҳолларда соф феълнинг такрор қўлланилиши натижасида якка феълдаги ҳаракат давомийлиги ва даражасида бўёқдорлик орттирилади, бу ҳам редупликат соф феълларнинг яна бир услубий имконияти саналади: *Юрдим-юрдим, сира масофа камаймасди.*

Феълларнинг такрорий ҳосилалари, асосан, феълнинг вазифа шакллари, хусусан, равишдош шакли орқали юзага чиқади ва ҳаракат давомийлиги – ҳаракат, унинг такрорланиши, шунингдек, амал ва ҳаракатнинг тугалламанганлигини ифодалаш учун қўлланилади: *юра-юра чарчамоқ, сўраб-сўраб Маккани топмоқ, айта-айта кўндирмоқ, кула-кула гапирмоқ* каби.

Баъзан такрорий равишдош шакли кўмакчи феълли сўз қўшилмасида (ҳаракат тарзи шаклларида) етакчи феъл вазифасини ҳам ўташи мумкин: *қараб-қараб қўймоқ.*

Редупликатив феъллар инглиз тилида ҳаракат интенсивлигини ифодалашга ёрдам беради (*dingle-dangle* – олдинга орқага тебратиш, *twinkle-twinkle* – милтилламоқ). Кўпинча феъл билан ифодаланган редупликатив сўзлар от билан ифодаланган объект ҳаракатини очиқ беради (*blah-blah* – бемаъни гаплар, *dilly-dally* – ишсиз сандирақлаш, *tittle-tattle* – бошқалар ҳаёти ҳақида сафсата сотиш).

Редупликат компоненти сифатида қўлланиладиган ҳолат ва даражамикдор равишлари белги номи, ҳаракат намоён бўлиш даражасининг ўзига хослиги билан боғлиқ маънони кучайтириш мақсадида фойдаланилади: *тез-тез юрмоқ, тезроқ-тезроқ гапирмоқ.*

Айрим редупликат ўрин равишларида шаклан келишиқ аффикслари келади ва ўз аҳамиятини йўқотади, бундай қўлланишларда маъно кучайтирилади: *узоқ-узоқларга, яқин-яқинларгача, олис-олислардан* кабилар.

Инглиз тилида равиш редупликативларнинг даражасини тўлиқ ифодалаш учун керак (*fifty-fifty* – 50/50), бир маромдалилик, бир текисдалиқ (*willy-nilly* – ихтиёрий-ихтиёрсиз, *well-well* – шундай-шундай).

Редупликатив сўзлар билан ифодаланган юклама ва ундовлар. Редупликатив юклама ва ундовларнинг ўзига хослиги шундаки, улар гапда, матнда нафақат икки марта, балки сўзловчининг ҳис-туйғуларини, унинг розилиги ва рози эмаслиги, инкор ва тасдиқ, шунингдек, бошқа модал маънолар: қувонч, хайрат, пушаймонлик, хайрат, ҳамдардлик, тилақ, кўрсатма, аниқлаштириш, саросима ва ҳоказоларни ифодалаб уч, тўрт ва

кўп маротаба такрорланиши мумкин: *ана, ана; мана, мана; вой-вой, ҳай-ҳай, о-о, ўҳ-ўҳ* кабилар.

Эътиборлиси шундаки, ўзбек тилида такрорий ундовлар (гапнинг феъл кесимига боғлиқ ҳолатда) турли хил маъно ўзгачаликларига эга бўлади. Буйруқ-хитоб ундовларининг аксарияти такрор қўлланилиши билан характерли. Масалан, *ту-ту, чип-чип, чўм-чўм, куч-куч, пиш-пиш, ҳўк-ҳўк, қурей-қурей* кабилар.

Редупликатив ундов ва товушга тақлид сўзлар нафақат ҳиссий-экспрессив баҳони, балки кўплик, давомийлик ва такрорийлик маъноларини ҳам ифодалайди. Ўзбек тилидаги тақлид сўзлар, маълумки, нимага тақлидни билдиришига кўра иккига бўлинади: товушга тақлид сўзлар ва ҳолатга (образга) тақлид сўзлар. Тақлидлар нутқда якка, жуфт ва такрор қўлланишга эга. Тақлид сўзларнинг редупликат қўлланилиши ҳар иккала турда ҳам кузатилади. Яна шу жиҳати ҳам борки, тақлид сўзлар уч хил кўринишда редупликациялашади:

а) тўлиқ редупликация: *шип-шип, чирс-чирс, шилдир-шилдир, тақ-тақ, миёв-миёв, вов-вов* кабилар;

б) иккинчи қисми тўлиқсиз редупликация: *чарс-чурс, тарс-турс, шарқ-шурқ, шатир-шутур, қарс-қурс* кабилар;

в) ҳар иккала қисми тўлиқсиз редупликация: *ҳанг-манг, аланг-жаланг, ибир-жибир, гиди-биди, дангур-дунгур* кабилар.

Инглиз тилида ҳам ундов ва товушга тақлид редупликация орқали ифодаланиши мумкин. Ундов ёрдамида ҳиссиёт ва туйғулар ифодаланади: *уоо-һоо*.

Товушга тақлид кўпинча болалар нутқида кўп учрайди, зеро, улар ёрдамида болалар атрофидаги нарса ва ҳодисаларни осонгина номлашади (*croak-croak* – ква-ква, *pinky-winky* – жимжилок, *splash-splash* – тью-тью).

Бобнинг иккинчи бўлими **“Редупликатив бирликларнинг таркибий хусусияти”** тарзида номланган ва бўлим ўз ичида иккита фаслга ажратилган.

**“Редупликат бирликларнинг формал тузилиши”** фаслида редупликативлар грамматикадан ташқари морфологик тизимнинг ҳам бир қисми эканлиги ва уларнинг аксарияти экспрессив морфологияга кириши, чунки уларда прагматик таъсир кучи намоён бўлиши ҳақидаги фикрлар таҳлилга тортилган. Маълумки, қайта такрорланувчиларнинг баъзи хусусиятлари стандартдир, масалан, улар кўпинча редупликатларни мунтазам равишда яратиши мумкин. Шу билан бирга, баъзилари синтактик нуқтаи назардан алоҳида муносабатни талаб қилиши мумкин.

Редупликативларнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, редупликативлар иккита кенг лингвистик соҳа – фонология ва морфология чегарали мавзусининг ёрқин ифодасидир. Бу икки соҳа репликативларнинг сўзни шакллантиришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Редупликативлар ҳақида морфология билан боғлиқ бўлган кўпгина тадқиқотларга қарамай, фонологиядан сўзларнинг шаклланиши ва бошқа лингвистик жиҳатларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Сўз стресси каби фонологик

хусусиятлар репликативлар бутун гуруҳининг шаклланишини тушунтиришда кўл келиши мумкин. Эҳтимол, фонология инглиз биномларининг синтаксисига ёки сўз тартибига таъсир қилиши мумкин, лекин такрорлашлар бундан мустасно эмас. Бинобарин, инглизча репликативларнинг фонологиясини ўрганиш уларнинг тилда қандай яратилгани ва ишлатилишини чуқурроқ тушунишга ёрдам бериши мумкин.

Фонологик нуқтаи назардан, диққатга сазовор мавзулар – бу ишлатилган фонемалар, урғу шакллари, қофияли бирикмалар ва ономатопеялар. Одатда тўлиқ такрорланадиган бирикмаларда мавжуд бўлган ономатопеялар, масалан, *hush-hush* (тинчлантирувчи овоз) ёки *chug-chug* (поезд ёки қайиқ двигатели овози) кабиларда такрорий шаклланишнинг фонологик такрорланишини кўрсатади. Ономатопоэтик тўлиқ такрорланадиган ибораларнинг иккита ўхшаш асослари одатда ундош билан бошланади, лекин бир нечта манбаларда бошланғич унли билан бошланадиган такрорлашлар ҳақида ёзилган, масалан, *aye-aye* (келишув) ёки *yada-yada* (бла-блага ўхшаш ибора). Стресс схемасига кўра, ономатопоэтик тўлиқ такрорланадиган иборалар Ж.Диенхарт томонидан “*boo-boo*” деб номланган гуруҳга тегишли<sup>23</sup>. Бу синф яна иккита кичик гуруҳга бўлинган.

Биринчи кичик гуруҳ биринчи бўғинга асосий урғу тушиши билан тавсифланади, *no-no* ёки *tam-tam* сўзлари бу тенденцияни ўзида акс эттириши мумкин. Урғу паттернларининг (намуналарининг) ушбу синфи фақат отларни ўз ичига олади. Ушбу иккита мисолни таққослаб кўринг, бу ерда (а) – икки бир хил бўғиндан ташкил топган такрорланувчи икки бўғинли от, иккинчиси эса (б) – такрорланувчи ундов. (а) *This topic is a no-no in our family.* (б) *Nó, nó! You cannot do that!*

Иккинчи туркумга унли товушларнинг ўзгариши билан аниқланадиган аблаут редупликативлар киради. Ж.Диенхарт уларни биргаликда “*a mish-mash class*” деб атаган. Ўзгарувчан фонемаларни ифодаловчи аблаут редупликативлар гуруҳига тааллуқли битта қизиқ шакл пайдо бўлди – кўп редупликативлар, масалан, *flim- flam, ticky-tacky* (арзон қурилиш материали) ёки *fiddle-faddle* (бемаъни) каби кўринади. Юқори олд товушни [ɪ] паст унли [æ], [ʌ] [ɒ] билан алмаштирилади. Қайта такрорланувчиларнинг жуда хилма-хил тоифасида, бу қоида, одатда, жуда кам истисноларга эга бўлгани учун амалда бўлган кўринади, масалан, *hoo ha* (шовқин).

Ундош алмашинуви ёки қофияли бирикмали редупликативлар барча редупликативларда энг кенг фонологик хилма-хилликни ифодалайди. Қайта такрорланишлар синфининг умумий тавсифи шундаки, биринчи ундош ўзгариши билан биринчи элемент такрорланади. Бундан ташқари, бу редупликативлар ундошнинг ўзгаришини эмас, балки кўшилишини билдиради. Шунга қарамай, бу қофияли бирикмалар бошқа қофияли такрорлаш учун ҳам амал қиладиган қоидаларга бўйсунди, шунинг учун уларни бу туркумдан чиқариб ташлашга асос йўқ.

<sup>23</sup> Dienhart J.W. Business, institutions, and ethics: A text with cases and readings. – 1999. – P.36.

Мазкур бўлимнинг “Редупликат бирликларнинг семантик таркиби” фаслида мураккаб сўзлар семантикасини аниқлашда номинациянинг аҳамияти далиллар билан ёритиб берилган. Маълумки, мураккаб сўзнинг семантик тузилишини тушуниш учун таркибий мотивация тушунчаси энг муҳим аҳамиятга эга, булар сўзнинг денотатив, лексик маъносини ташкил этадиган мураккаб сўз қисмларининг таркибий-семантик ўзаро бир-бирига таъсирдир. Бундай ўзаро таъсир мураккаб сўз қисмларининг маъноси ва семантикаси билан олдиндан белгилаб қўйилганлиги сабабли, таркибий-семантик мотивация мураккаб сўзнинг таркибий-семантик маъносидан бошқа нарса эмас. Агар илмий таҳлилга таянадиган бўлсак, “мотивацион” тушунчаси, демак, мотивацияланган кўшма сўз, бу унинг мазмунини англатадиган ибора билан озми-кўпми тўғридан тўғри боғлиқ. Ушбу тушунчани энг содда шаклда қўллаш – *home-made* (*made at home* – уй шароитида ишлаб чиқарилган) маъносидаги сўзнинг туртки бўлишини ва *house-broken* (*trained to live in a house*) сўзларининг қўлланилиши билан изоҳлаш мумкин. Умуман олганда, мураккаб сўзнинг бундай туртки мотивация тушунчаси жуда мақбул усулдир. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, *уйда ишлаб чиқарилган* тушунчаси мажозий маънога эга бўлиб, унда биринчи компонент сусайтирилади.

Лексик мотивацияда *home-made* – *made at home* маъно билдирмайди ва шубҳасиз, “нав, таом тури” деган маънони англатади. Муайян лексик маъноларга келсак, уларнинг мотивация категорияси билан алоқаси ҳам жуда мураккаб ва уларни схемалаш мумкин эмас, лекин ҳар бир сўз учун асосий омил ҳисобланади. Масалан, *field-dog*, *house-dog*, *sweater-girl*, *cat-bird* каби сўзларда мотивация намоён бўлади, чунки уларнинг таркибий қисмлари томонидан кўрсатилган объектлар тахмин қилинадиган, мантикий объект муносабатларида кўринади.

Замонавий инглиз тилида лексик ва синтактик даражадаги бирликлар ўртасида жуда муҳим, гетероген оралиқ зона мавжуд. Унинг қисмлари турли даражадаги идиоматиклик ва уларнинг таркибий бўлақларининг бирлашиши билан ажралиб туради, бу уларнинг индикатив маъноларининг мос келадиган боғланишида ва, бинобарин, ёрдамчи элементнинг асосий элементига функционал буйсунишида намоён бўлади. Бу оралиқ зонаси қуйидагилардан иборат: 1) маъноси сақлаб қолинган таркибий қисмларга эга бўлган турғун иборалар (*music centre*); 2) маъноси қисман қайта ишланган таркибий қисмлар билан барқарор иборалар (*acid rock*, *air breather*); 3) қофияли жаргонлар билан боғлиқ барқарор иборалар (*movers and shakers*, *nuts and bolts*, *fudge and mudge*); 4) мажозий маънода ишлатиладиган мураккаб исмлар (*Don Juan*, *Doctor Feelgood*); 5) барқарор сўз бирикмаларидан келиб чиқадиган оғзаки нутқ блоклари кўринишидаги семантик жиҳатдан ажратилган бирикмалар бўлган фразеологик бирликлар (*laid-back*, *hang-up*); 6) яхлитлиги график жиҳатдан ҳам, интонацион жиҳатдан ҳам мустаҳкамланган (қисқартириш, сим билан учиш, якка-якка,

печдан столга, ўнг томонга) қисқартирилган иборалар (*a-go-go, fly-by-wire, one-on-one, rent-a-crowd, oven-to-table, right-to-work*).

Редупликативларни яратишда қофиядан ташқари бошқа фонологик воситалар ҳам иштирок этиши мумкин. Бу тилшуносликда деярли эътибордан четда қоладиган, семантик маънога эга бўлмаган, фақат фонологик мотивли бирикмалар яратиш учун тил имкониятини яққол кўрсатиб турадиган ҳолатдир. Баъзи тилшунослар редупликативларнинг инглиз тилида нисбатан янги элемент эканлигига қўшиладилар. Д.Минкова кайд этишича, “сақланиб қолган эски инглиз ҳужжатларида такрорий сўзлар жуда кам учрайди”<sup>24</sup>. Р.Бензес гипотезасига кўра, бу ҳодисанинг сабаби жуда оддий – кундалик нутқнинг деярли ҳеч қандай ёзма далили йўқ ва кўпчилик ёзувлар расмий характерга эга, бу эса такрорий ишлатишни истисно қилади<sup>25</sup>. Редупликативларнинг энг қадимги мисолларига *handy-dandy* (қўллар билан жумбоқ ҳийласи) ёки *trolley-lolley* киради. Бироқ редупликативларнинг ҳар уч тури – тўлиқ такрорланган иборалар, аблаут редупликативлар ва ундошлар алмашинуви бўлган редупликативлар инглиз тилида XV-XVI асрларда тўлиқ шаклланган. Ж.Хладки ўзи тўплаган луғат маълумотлари асосида редупликатив сўзлар жадвалини тузган<sup>26</sup>.

Диссертациянинг учинчи боби “**Редупликативларнинг фонологик ўзига хосликлари**” деб номланган ва ўз ичига уч бўлимни қамраган.

Ушбу бобнинг биринчи бўлими “**Редупликация фонорморфологик ходиса сифатида**” тарзида номланган ва унда лисоний редупликация ўзак, негиз ёки сўзнинг тўлиқ ёки қисман такрорланиши бўлиб, сўз яшаш ва шакл ҳосил қилиш воситаси бўлиб хизмат қилиши билан бирга, моҳиятан фонорморфологик ҳодисалиги, у дастлабки бўғин ёки бутун асосни иккилантиришдан иборатлиги, баъзан плеоназмнинг хусусий кўриниши эканлиги ўзбек ва инглиз тиллардаги турли фонотактикалар мисолида таҳлилга тортилган.

Маълумки, лингвистик адабиётларда бу жараёни ифодалаш учун турли атамалар қўлланилади: *иккилантириш, такрор, такрорлаш, бирикиш, жуфт бирикма, редупликация, дупликация, изосиллабик конструкциялар, дуплетлар* ва бошқалар. Терминологик ноаниқликнинг сабаби дунёнинг турли тиллари тизимлари мисолида ушбу ҳодисани типологик умумлаштирувчи тадқиқотларнинг етарли эмаслигида, шунингдек, умуман редупликацияларнинг фонорморфемик табиати ўрганилмаганлигидадир.

Такрор ёки редупликация ўзак, асос ёки бутун сўзларни товуш томонини ўзгартирмасдан ёки қисман ўзгартириш билан такрорлашдан иборат. Кўпинча такрорлар кўпликни ифодалаш учун хизмат қилади, масалан, малай тилида *orang* – «одам», *orang-orang* – «одамлар», ўлик

<sup>24</sup> Minkova Donka. The Cambridge History of the English Language: Vol. III, 1476 to 1776. Journal of English Linguistics 29.1, 2001. – P.83-92.

<sup>25</sup> Benczes R. Just a load of hibber-gibber? Making sense of English rhyming compounds. Australian Journal of Linguistics 32.3, 2012. – P.299-326.

<sup>26</sup> Hladki J. Power and struggle in educational research: interrogating the "unity" in "community". – Canadian Woman Studies, 1998. – P.35.

шумер тилида *кур* – «мамлакат», *кур-кур* – «мамлакатлар».

Турли тилларга эътибор қаратиб қиёслайдиган бўлсак, бундай турдаги товушга тақлид такрор сўзлар *трюх-трюх*, *хлоп-хлоп*, *тук-тук* каби икки маротаба такрорланиб келадиган феъл қолдиқлари билан ҳамоҳанг мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сифатларда такрор орттирма даражани ифодалаш учун қўлланиши мумкин: *добрый-добрый*, *большое-большое*; *добрый-предобный*, *большое-пребольшое*; қиёс. қозоқ тилида: *қызыл* – «қизил», *қызыл-қызыл* – «кип-қизил», *жақсы* – «яхши», *жақсы-жақсы* – «жуда яхши» каби.

Лотин, қадимги юнон ва қадимги ҳинд тилларида ўзакнинг тўлиқ бўлмаган такроридан перфект шаклини ясашида қўлланилган. Инглиз тилида кўп миқдорда тўлиқ такрор сўзлар: *quack-quack* – «кря-кря» (ўрдак хақида), *jug-jug* – «булбул сайраши» ёки «мотор товуши», *plod-plod* – «от дупури», *tick-tick* – «соат юриши» ва ҳ.к. ҳамда нотўлиқ редуликатлар: *wig-wag* – «байроқ сигнали», *zig-zag* – «зиг-заг», *flick-flock* – «ялтиллаш этик ғирчиллаши» ёки *riff-raff* – «безорилар», «шпана», *wish-wash* – «ғийбат», «валдир-вулдур», *ping-pong* – «стол тенниси», *sing-song* – «бир маромли» сўзи маъноси диққатга сазовор: *to sing* – «қуйламоқ» ва *song* – «ашула» кўплаб учрайди.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими **“Редуликатив бирликларнинг фонологик таҳлили”**га бағишланган. Ушбу бўлимда инглиз ва ўзбек тилларида товушларнинг фонологик алмашинуви махсус ўрганилган, бунда фонологик алмашинув деганда инглиз ва ўзбек тилларида редуликатив ва такрор сўзларнинг фоно-морфологик моделини белгилашга асос бўлувчи унли ва ундош товушларнинг алмашиши (ўзгариши) назарда тутилади. Ҳар бир модель шаклланиши ҳосил бўлган такрорий сўзлар таркибидаги вокал-консонант ўзгаришларга боғлиқ. Албатта, турли унли ва ундош товушларнинг алмашиши тез-тез ва кўп миқдорда содир бўлади; фонемалар ўзгариши жараёнида, яъни унли ва ундошларнинг редуликацияси вақтида уларнинг айримлари йўқолади. Бироқ асосий алмашлашларни аниқлашда, биз таққосланаётган тиллардаги турлар, типик моделларини ташкил этувчи барқарор ҳолатларни ҳисобга олдик. Типик моделларини ҳосил қила олмайдиган фонемалар ўзгаришлари таҳлил объектига киритилмади.

Таъкидлаш лозимки, инглиз тилида нутқ товушлари ва уларнинг ёзувдаги ҳарфий ифодалари ўртасида сезиларли фарқ бор, аммо ўзбек тилида бундай эмас; инглиз тилида товуш ўзгаришлари махсус фонетик транскрипцияда берилади.

Ўзбек тилида ундошлар қарама-қаршиликнинг бу тури ҳам редуликат (яъни асл компонент), ҳам редуликатор (яъни асосий компонентни такрорлаш натижасида ҳосил бўлган редуликация компоненти) таркибида пайдо бўлиши мумкин бўлган деярли барча ундошларни қамраб олади. Масалан: *б – б*: *баб-баравар*; *б – к*: *беками-кўст*; *б – с*: *бурда-сурда*; *б – р*: *боғ -роғ*; *б – ч*: *бола-чақа*;

Препозитив-редуликатив сўзларда биринчи қисм муҳим бир қисмнинг ўзига хос такрорланишида ифодаланади. Масалан: *қора* – *қоп-*

қора, қизил – қип-қизил каби. А.Н.Кононов бу турни қисман редупликация деб атайди, чунки бу сўзларда редуликантнинг қисман такрорланиши бўлади.

Бобнинг “Ўзбек ва инглиз тиллардаги редуликатларнинг фонетик таркиби” бўлимида қиёсланаётган тиллардаги редуликатив сўзларнинг товуш томони, ҳар бир таркибий қисмдаги товуш birlikларининг фонетик ўзгариши, редуликатив сўзларда компонентлараро унлилар ва ундошларнинг товуш такрорланиши ёки товуш корреляцияси изоҳланган. Маълумки, такрорлардаги фонетик корреляциялар маълум колиплар асосида юзага келиши, яъни редуликатив сўзларнинг шаклланиши ўзига хос фонетик қоидалар билан бошқарилади. Шу қоидалар асосида корреляциянинг моҳияти аниқланади. Улар фонетик, лексик ва грамматик таснифга бўйсунди, товуш мотивациясининг чуқур фоносемантик тамойиллари ўрнатилади.

Инглиз тилида унли ва ундошларни алмаштирамасдан редупликациянинг ҳосил қилиниши – бир хил унли фонеманинг иккала компонентда ҳам ундошларни ўзгартирмасдан такрорланиши ҳисобланади: [i: - i:] *chee-chee*, [i - i] *chin-chin* (энгак), [i - i] *pretty-pretty* (чиройлигина), [æ - æ] *bang-bang* (товуш), [ai - ai] *bye-bye* (хайр), [au - au] *vow-vow* кабилар.

Инглиз тилида унли товушларни ўзгартирмасдан, лекин ўзгарувчан ундошлар усули билан редупликация ҳосил қилиниши бир қатор микромоделлардан иборат:

1. Кейинги элемент бошида янги ундош товуш пайдо бўлиши билан ҳосил бўладиган редупликация, масалан: *argle-bargle, airy-fairy...*

2. Иккинчи элементнинг бошланғич ундоши ўзгариши билан ҳосил бўладиган редупликация икки кичик типдан иборат:

а) атрофдаги ундошларни ўзгартирмаган ҳолда, масалан: *bed-head, cherry-merry, hardy-dardy...*

б) биринчи ёки иккинчи элементда атрофдаги ундошларнинг ўзгариши билан ҳосил бўладиган редупликация, масалан: *back-track; crowdy-mowdy; flag-wag...*

3. Биринчи ва иккинчи элементларда алмашилиш билан ҳосил бўладиган редупликация:

а) ундош ўзгаришига ҳамроҳ бўлмасдан унли ўзгарган модел, масалан: *kit-cat; chilly-shally; ding-dong; crish-crush; cherry-churry..*

б) ундошларнинг ўзгариши билан бирга унли товушларни ўзгартириш, масалан: *currie-wirrie; jiggery-polary; hot-short; linsey-wodsey...*

Шундай қилиб, морфологик типнинг гетерогенлигига карамай, таққосланган тилларда редуликатив сўзларни ифодалаш учун умумий моделлар мавжуд. Лекин инглиз тилида ўзбек тилига қараганда унли товушлар алмашилиши (сон бўйича) кўпроқлигини кўрсатди. Бу эса инглиз тилида унли товушлар (21 та унли) кўплиги билан боғлиқ, албатта.

## ХУЛОСА

1. Тилшуносликнинг ҳозирги босқичида тилга когнитив ёндашув ривожланиб, дунёнинг лингвистик кўринишини ўзида мужассам этган ҳолда воқеликни концептуализация қилиш воситаси сифатида қаралмоқда. Тил функционал тизим сифатида тўлиқ номинатив бирликларнинг тўпламидир. Тилдаги номинатив бирликлар таҳлилида уларнинг классик тури билан бир қаторда “муҳим бўлмаган луғат” ҳам маълум ўрин тутди. Буларга редупликатив сўзлар туркуми қиради.

2. Сўз ясаши – сўз бойлигини тўлдиришнинг муҳим воситаси ва тилнинг номинатив тизимидаги муҳим бўғин. Инглиз ва ўзбек тилларида редупликация сўз ва шакл яшашда муҳим усуллардан биридир. Редупликация усули билан инглиз тилида сўз ясаши кўпроқ, ўзбек тилида нисбатан биров камроқ.

3. Грамматик нуктаи назардан тўлиқ редупликатив сўзлар ҳаракат интенсивлиги ёки ҳолат, даража, бўрттирилган (ҳаддан ташқари) миқдор, ҳаракатлар, ҳодисалар ва предметларнинг кўплигини ифодалайди. Тўлиқ бўлмаган редупликатларда умумлаштириш, коллективлик маъноси назарда тутилган. Семантик жиҳатдан эътиборсизлик ёки камситилиш маъноси кузатилади.

4. Инглиз тилида сўзлар таркиби тизимининг ривожланиши билан редупликация кенг тарқалган, гарчи у аввалги маҳсулдорлигини йўқотган бўлса ҳам, сўз таркиби сўз яшашнинг кенг тарқалган усули бўлган. Ўзбек тилида эса редупликация эркин иборага яқин, аммо содда ва мураккаб сўзлардан фарқ қилувчи нутқ ҳодисасидир.

5. Қиёсланаётган тиллардаги редупликатив сўзларнинг ўзига хослиги уларнинг расмий (фонетик), таркибий-семантик ва функционал жиҳатларида намоён бўлади. Редупликатив сўзлар ёзма ва оғзаки матнларда ишлатилади ва фактик, эмоционал ва эстетик маълумотларни етказишга ёрдам беради.

6. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам редупликатив сўзларнинг энг катта гуруҳи от ва тақлид сўз туркумлари билан ифодаланади, бу мулоқот жараёнида одамлар айнан шу сўз туркумларидан кўпроқ фойдаланиши билан изоҳланади.

7. Ўзбек ва инглиз тилларидаги редупликативларни қиёслашда фойдаланилган таҳлил тамойиллари сўз ҳосил қилишнинг бошқа турлари, турли категориал тушунчаларни таққослаш (қардош бўлмаган тиллар)да, конкрет тиллар лексик тизимининг ички тил инвентаризациясида, таққослаш метатилини белгилашда, ўзбек тилидан инглиз тилига ва аксинча таржима қилишда таржиманинг назарий асосини яратишда, дастурий маҳсулотларни яратишда қўлланилиши мумкин.

8. Тилнинг муҳим қисми қатъий ва барқарор қоидалар билан бошқарилишига қарамай, айрим редупликат бирликлар ҳеч қандай грамматик ва морфологик қоидаларга бўйсунмайди. Бу экспрессив

редупликатлар тингловчида қандайдир таассурот қолдириш учун ишлатилиб, улар ҳар бир гапирувчининг хоҳишига боғлиқ бўлади ва синтактик нуқтаи назардан ҳам алоҳида муносабатни талаб қилади.

9. Редупликативлар иккита кенг лингвистик соҳа – фонология ва морфология чегарасида шаклланувчи такрорлар бўлиб, улар ҳар иккала соҳага ҳам бирдай алоқадор. Тўғрироғи, редупликатив сўзларнинг функционал-лисоний хусусиятларини ёритишда такрорларнинг морфонологик таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

10. Редупликатив сўзлардан фойдаланиш кўпроқ бадий, публицистик ва сўзлашув услубига хос: улар нафақат сўз маъносини, балки сўзловчининг нутқ мавзуси ва атрофдаги ҳаракатга муносабати, ҳиссиётларини ҳам ифодалайди; илмий адабиётларда редупликацияланган сўзлар қўлланилиши чегараланган, чунки термин-атамалар лисоний табиатига кўра экспрессив ва услубий бўёқдорликдан холидир.

11. Бадий асарларда учрайдиган редупликатив элементларнинг таржима матнида тушуриб қолдирилиши таржиманинг лексик семантик хатоси сифатида қабул қилиниши лозим. Зотан бу элементлар замирида маънонинг кучайиши ва прагматик муносабат туради.

12. Ўзбек ва инглиз тиллари лексикографиясида редупликациянинг икки тилли луғати йўқлигини, шунингдек, редупликатив сўзларнинг изоҳи ҳам мавжуд эмаслигини назарда тутиб, ишимизга илова қилинган редупликативларнинг икки тилли рўйхати луғат тузишда аҳамиятли бўлишини қайд этиш мумкин.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE  
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 AT URGENCH STATE UNIVERSITY**

---

**URGENCH STATE UNIVERSITY**

**RAKHIMOVA GUZAL YULDASHOVNA**

**REDUPLICATION AND ITS FUNCTIONAL-LINGUISTIC  
PECULIARITIES**

**10.00.06. – Comparative literature, contrastive linguistics and translation studies**

**DISSERTATION ABSTRACT  
of the doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

**Urgench – 2023**

The theme of the dissertation of doctor of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under № B2022.1. PhD/Fil2292

The dissertation has been prepared at Urganch State University.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the scientific council website ([www.uru.uz](http://www.uru.uz)) and on «Ziyonet» Information and Education portal website [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Scientific consultant:** **Zaribboy Dusimov,**  
Doctor of Philological Sciences, professor.

**Official opponents:** **Sadullaeva Nilufar Azimboevna,**  
Doctor of Philological Sciences, docent,  
**Ermetova Jamila Ismailovna,**  
Candidate of Philological Sciences, docent.

**Leading organization:** **Bukhara State University**

The defense of the dissertation will take place on «3» 02 2023 at 10<sup>00</sup> at the meeting of the Scientific Council PhD.03/30.12.2019. Fil.55.02 at Urganch State University (Address: 220100, H. Alimdjan street, 14. Urgench city. Phone: (+99862) 224-66-80; fax: (+99862) 224-67-00; e-mail: [fil-ik.uru.uz](mailto:fil-ik.uru.uz)

The dissertation can be reviewed at the Information Resource Center of Urgench State University (registered under No. 660). (Address: 220100, Kh.Alimdjan Street, 14. Urgench. Phone: (+99862) 224-67-00

The abstract of the dissertation is distributed on «23» January 2023.  
(Protocol at the register № 10 on «23» January 2023).



*O.K. Gailyeva*

**O.K. Gailyeva,**  
Acting Chairman of the Scientific Council awarding the Scientific Degree, Doctor of Philological Sciences (DSc), docent.

*S.M. Sariyev*  
**S.M. Sariyev,**  
Secretary of the Scientific Council awarding the Scientific Degree, Doctor of Philological Sciences (DSc), docent.

*A.D. Urzabayev*  
**A.D. Urzabayev,**  
Chairman of the Scientific Seminar of the Scientific Council awarding the Scientific Degree, Doctor of Philological Sciences, professor.

## INTRODUCTION (Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) dissertation)

**Relevance and necessity of the research topic.** The scientific research investigations in the world of linguistics served to improve the methods of comprehensive, systematic, objective, and consistent study of language, including the analysis, study, and modelling of every functional feature of language. The research carried out in the traditional directions of linguistics, including the content and essence of the issue of reduplication, is directed toward the goal of phonetic, phonological, morphological, syntactic, semantic, and pragmatic analysis of a specific language or several languages. The sounds, phonemes, words, morphemes, phrases, and sentences that make up the unique system of the language, as well as the thoughts, opinions, feelings, and relationships expressed by them and forming the basis of meaning, are reflected in the structural layer of this language.

The issue of reduplication in the world of linguistics has been somewhat widely covered in the scientific research of English, German, and Russian linguists. It is obvious, that repetitions in many languages around the world are not limited to one or two levels of the language hierarchy, but are observed at almost all levels and serve a variety of functions. The typological universality of this phenomenon is that a certain categorical meaning is expressed with the help of reduplication. In addition, the existence of reduplication as a method of word formation in many language systems of the world once again proves its universality from the typological point of view, which is the basis for the scientific study of the reduplicative type of word formation in languages belonging to different language families, such as English and Uzbek. Language, which performs many functions in the development of society, such as communicative, cumulative, nominative, emotional-expressive, and emotional-informative, is both an invaluable product of human culture and an opportunity for its development at the same time. According to a scientifically maintained linguistic conclusion, a language is a social phenomenon that has arisen naturally over long periods of time and is constantly improving, changing, and developing its system. The methods and tools used for the oral and written expression of the language serve to fulfil its functional task, that is, to form, express, and convey human thoughts and opinions to the listener.

During the comparison of the Uzbek and English languages, the peculiarities of reduplication and reduplicative (repeated) words were not scientifically studied in a monographic plan. One or another aspect of reduplicative words in the languages we are comparing has been partially covered in some studies that are aimed at developing some issues of this topic; that is, in these works, the comparative-typological systematic study of reduplicative language units based on the materials of languages with different structures is not the goal. From this point of view, the fact that our research is dedicated to the derivational function, grammatical possibilities, and morphonology of reduplication determines the relevance of the topic of this dissertation.

Reduplication is a linguistic phenomenon common to many languages and observed at all language levels. There is currently no clear definition of repetition in linguistics because the boundaries of this phenomenon have not been defined, and

there is no single classification of repetitions, which means that, despite the fact that this phenomenon is frequently used by language speakers in the process of communication, it has not been sufficiently studied in a comparative aspect. The comparative analysis of English and Uzbek reduplicates can serve as material for creating a bilingual dictionary, because there is no bilingual dictionary of reduplication in the lexicography of Uzbek and English linguistics, and there is also no explanation of reduplicative words. These circumstances can determine the importance and necessity of our work.

Taking it into account, we used two terms such as "reduplication" and "repetition" in our study, because, in the scientific studies devoted to this issue, reduplication and repetition are interpreted as two terms of the same phenomenon. Reduplication also means repetition of words, syllables, and bases, i.e., reduplication is the doubling (repetition) of sounds, syllables, and words. As there is no single definition of reduplication, we consider phono-morphological and lexical phenomena that occur by duplicating a sound structure, a morphemic part of a word, or a whole word to be reduplication.

In Uzbek linguistics, one of the important issues is studying the problems of comparative analysis of reduplicative words in our language with reduplicative words in English, and "increasing the effectiveness of scientific research related to the specific characteristics of the Uzbek language, dialects, historical development, and its perspective"<sup>27</sup> in our country is considered one of the daily requirements. The necessity of this research work is, first of all, in addition to the fact that its work is dedicated to the topic that needs to be studied in modern linguistics and to the scientific justification of the functional characteristics of the repeated or reduplicative use of certain language elements in the social-linguistic-communicative relationship, its true essence as a linguistic phenomenon that distinguishes these elements from other language elements. It is explained by the fact, that it is aimed at revealing and highlighting the different aspects of reduplication in English and Uzbek.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5847 of October 8, 2019 "On approval of the concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030", No. PF-5850 of October 21, 2019 "Measures to fundamentally increase the prestige and status of the Uzbek language as a state language on" Decree No. PQ-2789 of February 17, 2017 "On measures to further improve the activities of the Academy of Sciences, organization, management, and financing of scientific and research activities", No. PQ-4479 of October 4, 2019 "Republic of Uzbekistan This study serves to a certain extent in the implementation of the tasks defined in the Resolutions "On the wide celebration of the thirty-first anniversary of the adoption of the Law on the State Language" and other regulatory legal documents related to this activity."

**Connection of the research with the priorities of the republic's science and technology development.** The dissertation has been submitted in accordance

---

<sup>27</sup> The speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoev on October 21, 2019 on the theme "The symbol of our national identity and independent statehood" at the solemn ceremony dedicated to the thirtieth anniversary of the granting of the status of the state language to the Uzbek language // Xalq so'zi, 2019, October 22

with the priority direction of the republican science and technology development I. "Formation of a system of innovative ideas and ways of their implementation in the social, legal, economic, cultural, spiritual, and educational development of the information society and the democratic state."

**The scope of research studies on the topic.** Among the initial studies on the problem of reduplication, the research of the German linguist August Friedrich Pott<sup>28</sup>, as well as in world linguistics E. Sepir, O. Espersen, L. Bloomfield, I. R. Galperin, I. V. Arnold, N. A. Shechtman, F. I, scientific works of Rozhansky, L.K. Sanikidze, E.V. Fedyaeva, A.C. Alisultanov, I. Yu. Kovalchuk, A. Ziyayev<sup>29</sup> can be mentioned.

General linguistic description of reduplication in English, phonetic and morphological features of reduplicated words are analyzed to some extent. However, many issues of reduplication in English have not yet been fully resolved.

Some semantic and structural aspects of repeated words in Turkish languages, some forms and types of repetitions are partially analyzed in the monograph of D.M. Iskandarova and L. Bektash and their studies devoted to the comparative study of structural, semantic types and models of reduplication in Turkish and Tajik languages<sup>30</sup>.

Later, other studies devoted to the comparative study of linguistic reduplication arose. In particular, Z.M. Efendieva's research entitled "Comparative analysis of the productivity of word formation methods in the colloquial lexicon of the Lezgin and English languages" was created. It notes that reduplication is second only to semantic addition in the Lezgin language in terms of productivity as a method of forming a new lexical unit in comparable languages. In the study "Reduplication in Modern English and Russian"<sup>31</sup> by E.F.Arsenteva and R.B.Valiulina, reduplication is defined as a method of independent word formation and its manifestation in various forms, especially the subjective attitude of the

---

